

**ШАРТНОМА ТУШУНЧАСИ ВА ШАРТЛАРИ, ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ,  
ҮЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ, МАЖБУРИЯТЛАРНИ  
БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ**

**Набиев Мажид Садуллоевич**

Бекобод туманлараро иқтисодий судининг раиси

**Аннотация:** Уибү мақолада шартнома тушунчаси ва шартлари, шартномани тузиш, үзгартириши ва бекор қилиши, мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** Шартнома, тарафлар, битим, шартнмани бекор қилиши, үзгартириши, жавобгарлик.

**ПОНЯТИЕ И УСЛОВИЯ ДОГОВОРА, ЗАКЛЮЧЕНИЕ, ИЗМЕНЕНИЕ И  
РАСТОРЖЕНИЕ ДОГОВОРА, ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА  
НЕИСПОЛНЕНИЕ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ**

**Набиев Мажид Садуллоевич**

*Председатель Бекабадского межрайонного экономического суда*

**Аннотация:** В данной статье описаны понятие и условия договора, заключение, изменение и расторжение договора, ответственность за неисполнение обязательств.

**Ключевые слова:** Соглашение, стороны, соглашение, расторжение договора, изменение, ответственность.

**THE CONCEPT AND TERMS OF THE CONTRACT, THE CONCLUSION, AMENDMENT  
AND TERMINATION OF THE CONTRACT, ISSUES OF RESPONSIBILITY FOR NON-  
FULFILLMENT OF OBLIGATIONS**

**Nabiev Majid Sadulloevich**

*Chairman of the Bekabad Interdistrict Economic Court*

**Annotation:** This article describes the concept and terms of the contract, the conclusion, amendment and termination of the contract, liability for failure to fulfill obligations.

**Keywords:** Agreement, parties, agreement, termination of the contract, change, responsibility.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида тадбиркоркорликни қўллаб-кувватлашга алоҳида эътибор берил, қўйидагиларни таъкидлаб ўтишган.

“Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-куватлаш варагбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен тақрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” .

Мустақил мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, маъмурий буйруқбозлик тузумидан воз кечиш, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишни, ва биринчи навбатда, ишлаб чиқариш-хўжалик алоқалари ўрнатишнинг бозор муносабатларига мос шакл ва услубларни яратишни тақозо қиласди. Бугунги кунда бозор иқтисодиётининг асослари яратилди, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатларининг механизми ишга туширилди, хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожи устивор аҳамият касб этмоқда .

Ҳозирги кунда эркин бозор муносабатлари шароитида шартномалар – жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги фуқаровий-хуқуқий, иқтисодий, тадбиркорлик муносабатларни ўрнатувчи асосий хуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Шартномаларнинг ўрни ва ўзаро муносабатларни ўрнатиш приинциплари хуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси , “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун , “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги” Қонун ; “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ; “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни ривожланишида шартномавий муносабатлар асосий ўринни эгаллайди. Бугунги кунга қадар шартнома муносабатларини ривожлантириш ва уларни такомиллаштиришга оид бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди-ки, бу эса албатта республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ривожланишига ҳамда шартнома муносабатларига кирувчи субъектларнинг шартнома интизомига риоя этилишига замин яратади десак муболага бўлмайди. Бу даражада шартнома муносабатларига эътибор қаратишдан кўзланган асосий мақсад - шартнома маданиятини юқори даражага кўтаришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмида битимлар, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар, яъни шартнома тушунчаси, шартлари, уни тузиш, ўзгаришиш ва бекор қилиш тартиби берилган бўлиб, бу нормалар кодекснинг иккинчи қисмида назарда тутилган барча шартномаларга тааллуқлидир.

Шартнома деб икки ёки бир неча (жисмоний ёки юридик) шахснинг хуқуqlари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгаришиш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувга

айтилади. Шартнома тарафларнинг битими (келишуви) сифатида қуидаги белгилар билан характерланади: а) тарафларнинг эркини эркин ифодаланиши; б) унинг мазмунини ташкил этувчи барча муҳим шартлар бўйича тарафларнинг келишганлиги; в) тарафларнинг ўз мажбуриятлари бўйича ҳаракатларини (қоида тариқасида) ҳақ эвазига бажариши; г) шартнома муносабатларида тарафларнинг tengлиги; д) шартномани ижро қилишининг юридик кафолати; ж) шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик. Демак, шартнома биринчидан – тарафлар ўртасидаги мажбуриятларни келиб чиқишининг асоси ҳисобланади; иккинчидан – тарафлар ўртасидаги мулкий муносабатларнинг хукуқий шакли ҳисобланади. Шунга қарамай, суд амалиёти шартномаларни тузиш ва уни бажариш борасида кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини – уларни номигагина тузиш ҳоллари давом этаётганлигини, шартнома мажбуриятларини бузган тарафларга нисбатан етарлича хукуқий чоралар кўрилмаётганлигини, уларнинг мулкий жавобгарликка ҳар доим ҳам тортилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Фуқаролик кодексининг 353-моддада берилган шартнома тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор X. Р. Раҳмонқулов, юридик фанлари доктори, профессор О. О. Оқюлов таҳрири остида тайёрланган Фуқаролик кодексига шарҳда кенг шарҳ берилган бўлиб унга кўра, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик хукуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартериш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Фуқаролик кодекси фуқаролик қонунчилигининг асосий таомиллари қаторига қуидаги қоидаларни киритади: «Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик хукуқларига, ўз эркларига мувофиқ эга бўладилар ва бу хукуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз хукуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун хужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар...» (ФК 1-м.).

Рус олими Калебеков Ш.М. ўзининг илмий ишларида шартноманинг мазмунини шартнома элементларидан иборат эканлигини таъкидлайди. Улар контрагентлар (ёки шартноманинг бир томони) томонидан тўғридан-тўғри тузилган шартлар ва муайян шартнома билан боғлиқ қонунчилик нормаларида мавжуд бўлган шартлардир. Шартнома шартларини таснифлаш фарқлашнинг иккита мезонига мувофиқ амалга оширилиши керак: 1). Шартларнинг аҳамияти ва шартнома тарафлари учун уларнинг келишуви зарурлигига қараб, муҳим ва муҳим бўлмаган ҳолларда. 2). Мажбурий ва ихтиёрий, уларда ўз ифодасини топадиган қонун қоидаларининг хусусиятига қараб.

Шартномалар ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномаларга бўлинади. Ҳақ эвазигага тузиладиган шартномалар бир тараф топширган мулки, қилган хизмати эвазига пул ёки мулк билан ҳақ олади. Масалан, бир тараф вақтинчалик фойдаланиш учун мулкни ижарага олувчи ундан фойдалангани учун ижара ҳақи тўлашга мажбур бўлади. Бундай ҳақ эвазига тузиладиган шартномаларга олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, айирбошлиш, пудрат ва бошқа кўплаб шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш

мумкин. Агар қонун ҳужжатларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, шартноманинг мазмуни-моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома деб ҳисобланади.

Текинга тузиладиган шартномада эса бир тараф бошқа бир тараф фойдасига ҳақ олмай, бирор-бир мулкни топшириш, бирор ишни бажариши мумкин. Масалан, ҳадя шартномаси бўйича мулк эгаси ўз мулкини бошқа бир шахсга текинга беради. Текин фойдаланиш, фоизсиз қарз шартномалари ҳам бепул тузиладиган шартномаларга киради.

Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий ҳисобланади .

“Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Конуннинг 10-моддасига асосан, хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмагандан ёки лозим даражада бажарилмагандан тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонунчиликда белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига қўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонунчиликда белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак .

Шартномалар – бу битим иштирокчиларининг асосий келишувларини қайд қиласидан ҳужжатлардир. Улар мамлакат доирасида ва ташқи савдо оборотида товарлар ва молиявий маблағларнинг ҳаракатини таъминлайди.

Барча тадбиркорлар шартномавий муносабатларга киришадилар, бу эса улардан муайян ишларни талаб қиласиди. Жумладан корхонанинг ўзида шартномани имзолашдан олдин унинг лойиҳаси тузилади, контрагент билан келишилади, тузатиш ва қўшимчалар киритилади, қонунга мувофиқлиги текширилади ва ҳ.к

Шартномани бекор бўлиши масаласига келсак, қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин.

Фуқаролик кодексида шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бир қатор қодалар белгланган, жумладан кодекснинг 382-моддасига асосан, агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қўйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равищда бузса;
- 2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгаририлган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 22.12.2006 йилаги “Суд амалиётида битимларни тартибга соловчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарори 6-банди, Олий хўжалик суди Пленумининг 18.12.2009 йилдаги “Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгаририш ва бекор қилишни тартибга соловчи фуқаролик қонун хужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 203-сонли қарорининг 24-банди ҳамда Олий хўжалик суди Пленумининг 28.11.2014 йилдаги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун хужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сонли қарорининг 3-банди шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ва шартномани бекор қилишдан фарқли жиҳатлари кўрсатилган. Уларни умумийлаштирганда:

1) битимларни ҳақиқий эмас деб топишга ФКнинг 115-126 моддаларида назарда тутилган асослар бўйича йўл қўйилади, шартномани бекор қилиш асослари эса ФКнинг 382-383-моддаларида назарда тутилган;

2) битимнинг ҳақиқий эмаслигига унинг ғайриқонунийлиги, бекор қилинишига эса шартномани бекор қилишга олиб келадиган ҳолатларнинг юзага келиши асос бўлади, бунда унинг қонунийлиги низолашмайди;

3) ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташкари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир, шартномани бекор қилиш эса, у амалда бўлган вақтдаги ўзаро хукуқ ва мажбуриятларга таъсир этмасдан, фақатгина келгусидаги хукуқ ва мажбуриятларга дахл қиласди;

4) шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни билдиришга шартнома амал қилишининг муддати мобайнида йўл қўйилади (шартномани бекор қилиш у амалда бўлган вақтдаги ўзаро хукуқ ва мажбуриятларга таъсир этмасдан, факатгина келгусидаги хукуқ ва мажбуриятларга тааллуқлидир), битим эса унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шартномавий муносабатларда, шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлк масаласи, мажбуриятни бажаришни таъмнлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Қонунчилиқда бу соҳадаги асосий норматив акт бўлиб ҳам Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Конуни ҳисобланади. Жумладан,

“Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Конуни 24-моддасига асосан, тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган заарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, ушбу Қонунда, ўзга қонунчилик хужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонунчиликда ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонуннинг 25 — 32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади .

Фуқаролик кодексига асосан, қонунчилик ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади. Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади. Агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли.

Олий хўжалик суди Пленумининг 15.06.2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун хужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сон қарорининг (кейинги ўринларда “Олий хўжалик суди Пленумининг 163-сон қарори”) 4-банди ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли.

Шуни таъкидлаш жоизки шартнома тушунчаси ва шартлари, шартномани тузиш, ўзgartiriш ва бекор қилиш, мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари миллий қонунчилигимизда кенг ёритилган, ундан ташқари бу борада Пленум қарорлари, олимларимиз томонидан шарҳлар ва тушунтиришлар берилган ҳамда умуман олиб қараганда ушбу нормалар чет эл қонунчилиги ва олимларининг қарашлари билан ҳамохангdir.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 03/22/782/0576-сон, 1996 й., 11-12-сон, 03/22/775/0477-сон.

3. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

4. Олий хўжалик суди Пленумининг 15.06.2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида”ги 163-сон қарори

5. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар. Амалий қўлланма, Тошкент 2010. Муаллифлар Фозилжон Отахонов – ю.ф.н., доц., Камол Қодиров, Санжар Отахонов, Наврўзбек Хажиев.

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. Х. Р. Раҳмонқулов, О. Оқюлов таҳрири остида Тошкент «Vektor-Press» 2010

7. Договор как универсальная правовая конструкция, автореферат, Калабеков, III. B., <https://www.dissercat.com/content/dogovor-kak-universalnaya-pravovaya-konstruktsiya>

8. С.Алламуродов. Шартнома тушунчаси ва унинг турларини барчамиз билишимиз шарт. <https://surxondaryo.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=34904> сайтидан олинди.

9. Шартнома тузамиз: нимага эътибор қаратиш лозим? Олег заманов [https://www.norma.uz/uz/bizning\\_sharhlari/shartnomam\\_tuzamiz\\_nimaga\\_etibor\\_qaratish\\_lozim](https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlari/shartnomam_tuzamiz_nimaga_etibor_qaratish_lozim).

10. Оferта в гражданском праве Российской Федерации, автореферат, Халеппо И.М. <https://www.dissercat.com/content/oferta-v-grazhdanskom-prave-rossiiskoi-federatsii/read>